



Бунда садақа берилаётган мусулмонни ҳам бошқалардан яшириш, одамлар олдида хижолат ва хорликка тушишининг олдини олиш ва ҳурматини сақлаш ҳосил бўлади. Шунинг учун Аллоҳ таоло махфий садақа қилишга тарғиб қилган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам садақасини ғоят махфий қиладиган одамга қиёмат куни улуғ ажру мукофотлар бўлишини ваъда қилганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Садақани махфий қилиш ошкора беришдан яхшироқ;
2. Аллоҳ таоло яширин садақа қилган кишини қиёмат куни Ўз арши соясида соялантиради.